

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 15 декабрь куни ҳудудларда энергия таъминотини яхшилаш, аҳоли бандлигини ошириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари, аввало, сўнгги кунларда кузатишган энергия таъминотидаги муаммоларга тўхталди. Охириги олти йилда 5 минг мегаваттдан ортиқ янги электр қуввати яратилгани қайд этилди. Қиёс учун: аввалги 25 йилда 3,5 минг мегаватт қувватлар ишга тушган.

Шунингдек, 45 минг километр электр тармоғи ва 13 мингдан ортиқ трансформатор янгиланган. Бу ҳам аввалги йилларга нисбатан 3-4 баравар кўп. Сулолтирилган газ ва кўмир ишлаб чиқариш ҳажми эса 1,5 баравар ошган.

Лекин бир ҳафта бўлган соғуқда энергетика соҳаси масъуллари, ҳокимлар ва сектор раҳбарлари куйи тизимда ишни ташкил этмагани кўриниб қолди. Халқ шундай қийналган вазиятда ҳам электр ва табиий газ тармоқларида ўғирликлар бўлаётгани кескин танқид қилинди.

Йиғилишда бундай камчиликларга йўл қўйган мутасаддиларга интизомий чоралар қўрилди.

— Энергия таъминотидаги бугунги вазият тармоғи ва ҳудуд раҳбарлари учун катта сабоқ бўлиши лозим. Соҳа корхоналари тизимли ишлаши керак. Биронта маҳаллада одамлар норози бўлмаслиги зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бош вазирнинг биринчи ўринбосари бошчилигида энергетика тизими раҳбарлари икки ой факулдада тартибда ишлаши белгиланди. Вилоят ҳокимларига иссиқлик таъминоти корхоналарига бориб, аҳолига хизмат сифатини яхшилаш, энергия сарфи ва йўқотишларни камайтириш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда аҳолини даромадли меҳнат билан банд қилиш масалалари муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, йил бошидан буюн тадбиркорлик, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиши каби соҳаларда 2 миллион аҳолининг доимий бандлиги таъминланди. Шунингдек, 4 миллиондан зиёд аҳоли мавсумий меҳнат орқали даромадли бўлди.

Ҳудудларда корхоналар 85 мингтага кўпайиб, уларнинг сони 550 мингтага етди. Бунинг ҳисобига, 2022 йилда даромад солиғи тўлаётган расмий банд бўлганлари сони 400 мингтага ошиб, 5 миллион 100 мингтага ташкил этди.

Саноат соҳасида 3 минг 500 та лойиҳа бажарилиб, 160 мингта доимий иш ўрни яратилди. Маҳаллалардаги 35 мингта кичик лойиҳа доирасида 175 минг, қурилиш соҳасида 135 минг киши даромад манбаига эга бўлди.

79 та фаолият тури бўйича ўзини ўзи банд қилиш имконияти яратилгани натижасида бу йил 914 минг нафар фуқаро рўйхатдан ўтди. Уларнинг сони 2 миллионга яқинлашди.

Йиғилишда соҳадаги камчиликлар ҳам таҳлил қилинди. Хусусан, бу йил доимий бандлар сони Китоё, Қосон, Мирзаобод, Нарпай, Нишон, Фурқат туманларида камайган. Хусусий секторда фаолият кўрсатаётган 232 мингта корхонада ишчилар сони бор-йўғи 1 нафарни ташкил қилади. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми 15 та туманда пасайган. Аҳолига тарқатиш учун белгиланган 100 минг гектар ернинг 4 минг гектаридан экин экилмаган.

Булардан келиб чиқиб, ҳокимларга қатор топшириқлар берилди. Келгуси йилги вазифалар муҳокама қилинар экан, давлатимиз раҳбари тўрта асосий йўналишни кўрсатиб ўтди.

Биринчи йўналиш — пахта ва ғалладан бўшаган 100 минг гектарни аҳолига бўлиб бериш. Бу орқали 600 минг аҳолини доимий иш ва 900 минг кишини мавсумий даромад билан таъминлаш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, саралаш ва қайта ишлаш бўйича 600 дан зиёд лойиҳа амалга оширилди. Халқаро молия ташкилотларидан жалб қилинадиган 400 миллион доллар ҳам кўпроқ иш ўрни яратадиган лойиҳаларга йўналтирилди.

Пилла етиштирувчиларнинг манфаатдорлигини ошириш мақсадида

бу соҳа ҳам эркинлаштирилади. Энди пилла аҳолидан жохон биржаларидан кам бўлмаган нарҳда харид қилинади. Бу қамда 500 минг аҳолини банд қилиб, даромадини 2-3 баравар ошириш имконини беради.

Иккинчи йўналиш — тадбиркорликни ривожлантириш. Бунинг учун ишсизлик кўп бўлган мингта маҳалла учун микро-марказлар ташкил этилади. Ҳудудлардаги 255 та марказий ва 274 та маҳаллалараро кўчалар савдо-хизмат кўчаларига айлантирилади. Автомобиль йўллари бўйида 3 мингдан ортиқ ер майдонларини аукционга чиқариш ҳам сервис соҳасида янги иш ўринлари учун катта имконият бўлади.

Шу боис, тадбиркорлик учун бўш ерлар ва объектларни савдога чиқариш бўйича топшириқ берилди.

Учинчи йўналишда саноат соҳасидаги имкониятлар кўрсатиб ўтилди. Хусусан, 8 миллиард долларлик 300 та йirik лойиҳа, саноат зоналарида 16 триллион сўмлик 1 минг 300 та лойиҳа натижасида юқори даромадли иш ўринлари пайдо бўлади. 536 та нурда кон аукцион орқали сотилиб, қурилиш материаллари соҳасида янги корхоналар ишга туширилади.

Умуман, инвестиция лойиҳалари ва маҳаллий саноатда жами 320 минг доимий иш ўрни яратиш мумкинлиги таъкидланди.

Тўртинчи йўналиш — қурилиш соҳаси. Келгуси йили барча лойиҳалар доирасида 90 минг хонадонли уй-жойлар барпо этилиши мўлжалланган. Президент қурилиш соҳасида ишга қабул қилиш бўйича меҳнат шартномаларини соддалаштириш зарурлигини айтди. Бу норасмий сектордаги ишчиларнинг қонуний фаолиятга ўтишига йўл очади.

Йиғилиш якунида Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва ҳокимлар белгиланган вазифалар ижросини ташкил этиш юзасидан ахборот берди.

ЎЗА

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ



Музаффар Абдуллаев оғлан сураёт.

КИЧИК ОДИМЛАР ШАҲДАМ ҚАДАМЛАРГА АЙЛАНАДИ

Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини

ривожлантириш, боғчаларга болаларни тўлиқ қамраб олиш учун зарур шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017–2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги хайрли ишларнинг дебчаси бўлди. Айниқса, 2017 йилда Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилгани соҳада туб бурилиш ясади.

Айни пайтда юртимизда 3-7 ёшдаги жами 2 миллион 859 мингдан зиёд бола яшайди. Уларнинг 1 миллион 997 мингдан ортиғи боғчаларда таълим-тарбия олмақда. Ваҳоланки, 2017 йилда бу кўрсаткич бор-йўғи 708 247 нафар эди.

“Ақлвой” — барча учун тенг таълим

Ўтган беш йилда болаларни мактабгача таълимга қамров кўлами икки баробар оширилганида юртимизнинг кўп қисми ҳудудига қайта жиҳозланган автобуслар етказилиб, “Ақлвой” мобил мактабгача таълим гуруҳлари шакллантирилгани муҳим аҳамият касб этди. Ўз навбатида, мактабгача таълимнинг ушбу муқобил инновацион шакли ўқув-тарбия хизматлари сифати ва самардорлигини ошириш имконини берди.

“Ақлвой” мобил болалар боғчаси нафақат кичиктойлар, балки ота-оналар ҳамда жамоатчилик учун катта янгилик бўлди. У фойдали ва қизиқarli тарбия тизими бўлиш билан бирга, иқтисодий самарали экани ҳам ўз исботини топди.

Қамров кўрсаткичи паст 142 та маҳалла фуқаролар йиғинида 7 мингта яқин ўғил-қизни қамраб оладиган, қайта жиҳозланган 65 та автобус негизда 387 та мобил гуруҳ шакллантирилди. Бу лойиҳа орқали шаҳар ва қишлоқда яшовчи болаларнинг тенг савияда таълим-тарбия олиши назарда тутилган. Шу боис, лойиҳа доирасида мобил гуруҳларга замонавий фикрлайдиган, болалар билан дўстона муносабат ўрната оладиган, тажрибали, энг яхши педагоглар жалб қилинди.

▶ Давоми 3-бетда

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШАББУСИНИ БИР ОВОЗДАН Қўллаб-қувватлади

БМТ Бош Ассамблеяси Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) эришни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини ошириш тўғрисидаги резолюцияни бир овоздан маъқуллади.



жараёнида аёлларнинг тўлиқ, тенг ва мазмунли иштирокни рағбатлантириш орқали БРМга эришиш йўлидаги тараққиётни жадаллаштиришга қаратилган савий-ҳаракатларнинг марказий элементи бўлиши керак.

2030 йилгача бўлган кун тартибини муваффақиятли амалга оширишда ёшларнинг муҳим ўрни ва ҳиссаси эътироф этилиб, парламент жараёнларида ёшларнинг тўлиқ, тенг ва мазмунли иштирокни таъминлаш зарур.

Ҳужжатга Марказий Осиёнинг барча давлатлари, Австрия, Жазоир, Бангладеш, Баҳрайн, Бельгия, Германия, Миср, Испания, Индонезия, Италия, Қатар, Хитой, Колумбия, Корея Республикаси, Малайзия, Нидерландия, Норвегия, Покистон, Португалия, Сингапур, Финляндия, Франция, Швеция, Япония каби дунёнинг барча қитъаларидан 80 та мамлакат ҳаммуаллифлик қилган.

Резолюция БМТ тузилмалари ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан илиқ қўтиб олинди. Ҳужжат парламент аъзолари учун ўзига хос қўлланма бўлиб, уларнинг савий-ҳаракатини БРМни жадал амалга оширишга сафарбар этиши алоҳида таъкидланди.

Парламентлараро иттифоқ ушбу ҳужжатни 2023 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессияси олий ҳафталиги доирасида бўлиб ўтадиган БРМ саммитига тайёрлик кўришдаги муҳим қадам, деб ҳисоблайди.

“Дунё” АА

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СўНГ

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛИШДА АКС ЭТАДИ



Ҳаским Йўлдошев оғлан сураётлар.


Хар фаслнинг ўз зийнати, ўз фазилати, кўрки ва таровати бор. Бу йилги киш ўзгача келди. Қўтилмаганда ёққан қор ҳаётимизга изгирилни кунларни бошлаб кирди. Ноқулай об-ҳаво шароити турмушимизга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Уйларни иситиш, электр таъминотидаги узилишлар, аҳолининг катта қисми фойдаланадиган жамоат транспорти тизимидаги айрим муаммолар ноқулай вазиятлар келтириб чиқарди.

Шундай кунларда шаҳсан Президентнинг ўзи халқнинг турмуш шароитига эътибор қаратиш, тизимдаги муаммолар, хонадонларга кириб вазият билан танишиш мақсадида Учтепа туманига ташриф буюрди. Одамлар билан суҳбатлашиб, ҳақиқий аҳволдан хабардор бўлди.

▶ Давоми 4-бетда



ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА



МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЎЗАГИ

Ёш авлод — янги тамаддун ва Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, келажак ва истиқболимиз пойдевори. Бугун ёшлар салоҳиятини ошириш, таълим-тарбияси учун муносиб шарт-шароит яратиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, улўғ маърифатпарвар, атоқли адиб ва педагог Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир”, деган сўзлари айни дамда ҳам долзарбдир.

▶ Давоми 2-бетда

ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

МАМЛАКАТ
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ
ЎЗАГИ

Анваржон МИРКОМИЛОВ,
“Тараққиёт стратегияси”
маркази эксперти

Бошланиши 1-бетда

Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони билан “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” да амалга оширишга оид давлат дастури қабул қилинди.

Тараққиёт стратегияси ва давлат дастурида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш, таълим сифатини ошириш, 2026 йилга қадар 10 та салоҳиятли олий таълим муассасасини QS ва THE халқаро рейтингларига киришга мақсадли тайёрлаш ва қарийб 100 минг ўринли талабалар турар жойи барпо этиш каби вазифалар белгилаб олинди.

Харакатлар стратегияси даврида олий таълим тизимини ислоҳ қилишга оид қатор самарали ишлар қилинди. Хорижий мамлакатлар билан қўшма таълим дастурлари доирасида 64 та янги касб бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Олий таълим муассасалари сони 2016/2017 ўқув йилида 70 та, 2021/2022 ўқув йилида эса 154 тани ташкил қилди. Бугунги кунда олий ўқув муассасалари сони 186 тага етди. Уларнинг 31 таси дунёдаги етакчи университет ва институтлар филиалларида.

Олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабалар сони 2016/2017 ўқув йилидаги 268,3 минг нафардан 2021/2022 ўқув йилида 808,4 минг нафарга етди. Ҳозир олий ўқув юртига қабул квотаси 3,5 баробар, олий таълим қамрови эса 9 фоиздан 38 фоизгача ошган.

Шу билан бирга, тизимда муаммо ва камчиликлар ҳам йўқ эмас, албатта. Хусусан, сўнгги 2 йил давомидаги коронавирус пандемияси олий таълим соҳасига ҳам салбий таъсир кўрсатди, мавжуд камчиликларни намойён қилди.

Маъзур муаммо ва камчиликларни босқичма-босқич ҳал этиш борасидаги қатор вазифалар Тараққиёт стратегиясида қатъий

белгиланиб, бугунга қадар тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Президентимизнинг 2022 йил 15 июнда “Давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб давлат олий таълим муассасаларида уларнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, бакалаврият таълим йўналишлари бўйича масофавий таълим шакли жорий этилди. Давлат олий таълим муассасалари магистратурасига қабул бир йилда икки марта — август ва январь ойларида ташкил этиладиган бўлди. Давлат ОТМлар магистратурасига қўшимча қабул параметрлари асосида ўқишга қабул қилинган абитуриентларнинг тўлов-контракт суммаси бир талабага тўғри келадиган реал харажатлардан келиб чиқиб, ОТМ томонидан мустақил белгиланиши ҳамда 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб давлат ОТМларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари фақат

таълимда ўқиётган хотин-қизларнинг контракт пулларини тўлаш учун 7 йилга фойсиз кредит бериш, давлат олий таълим муассасалари магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт тўловлари тўлиқ давлат бюджетидан қоплаб бериш тартиби жорий қилинди.

Хорижий олий таълим муассасаларига бакалаврият учун 50 нафар, магистратура учун 10 нафар хотин-қизга ҳар ўқув йилида “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали қўшимча грантлар ажратилади. Энди ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг таълим контрактлари ҳар йили маҳаллий бюджетдан тўлаб берилди, докторантура йўналишида хотин-қизлар учун 300 тадан мақсадли квота ажратилади.

Шунингдек, юқоридаги ҳужжатда талабаларнинг ўқишини давлат олий таълим муассасаларига кўчириш бўйича тартиб-қоидалар ҳам белгилаб берилган.

Ўзбекистон Президентининг 2022 йил 15 июндаги фармойишига мувофиқ,



давлат гранти бўйича тасдиқлашни тартиб ўрнатилди. Шунингдек, хорижий талабаларни жалб қилиш мақсадида давлат олий таълим муассасаларига чет эл фуқароси олий таълим муассасаси томонидан ўтказиладиган сўхбат натижасига кўра ўқишга қабул қилиниши қайд этилди.

Қарорнинг эътиборли жиҳатларидан бири Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси тавсияномасини олган, олий маълумотга эга бўлмаган хотин-қизлар учун 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб бакалавриятнинг кундузги таълим шакли бўйича умумий белгиланган давлат гранти асосида қабул параметрларига қўшимча 2000 та давлат гранти ажратилиши бўлди. Бу хотин-қизларнинг олий таълим билан қамровини ошириш, уларнинг давлат ва жамиятдаги фаоллигини кучайтириш, гендер тенгликни таъминлашга қаратилган ислохотларнинг мантқий давомир. Бунда олий таълим муассасалари, техникум ва коллежлар, сиртки ва кечки

2022/2023 ўқув йили учун давлат ОТМга ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари умумий квотаси 121 395 та этиб белгиланди. Жумладан, бакалавриятга 110 707 та ва магистратурага 10 688 ўрин ажратилди.

Шу билан бирга, моливий мустақиллик берилган 36 та давлат ОТМнинг тўлов-контракт бўйича 50 мингдан ортқ абитуриент оlish учун қабул параметри кузатув кенгашлари қарори билан тасдиқланди. Натижада жорий ўқув йилида қабул параметри ўтган йилдагига нисбатан кескин ошди. Молиявий мустақиллик берилган олийгоҳлар томонидан магистратурага 2 904 нафар талаба қабул қилинди.

Мухтасар айтганда, Тараққиёт стратегияси ва давлат дастуридаги вазифалар ижроси босқичма-босқич таъминланмоқда. Қарорда белгиланган ҳар бир рақам ортида инсон тақдир, ёшларнинг таълим ва тарбия олиши учун муносиб шарт-шароит яратиш мақсади турибди.



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Одамларни эртага эмас, бугун рози қилиш тамойилига асосланган ислохотлар тобора жадаллашмоқда. Бу жараёнда маҳаллардаги ҳоким ёрдамчилари ҳам муҳим роль ўйнаётди.

ЯХШИГА ЭЛ ДИЛ ОЧАР
ЁХУД “МАҲАЛЛАБАЙ” ИШЛАШ
ТИЗИМИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Ҳабибулла АЗИЗОВ,
Давлат божхона қўмитаси раиси
маслаҳатчиси, божхона хизмати
полковниги

Ҳоким ёрдамчилари дастлаб “халқ ичига кириш”, “уларнинг дардига қўлоқ солиш”, “ғаму андуҳлари, ташвишларига шерик бўлиш” ва “муаммоларни жойда ҳал этиш” тамойиллари асосида маҳалла ҳудудида яшовчи ҳар бир оилани хатловдан ўтказиш орқали ишосиз аҳоли рўйхатини шакллантирди. Ўз ҳудудларидаги бую бинолар, фойдаланилмаётган объектлар ва ерлар тўғрисидаги маълумотларга аниқлик киритди. Уларнинг тавсиялари асосида ўша жойлар фойдаланишга берилди, тадбиркорлик йўлга қўйилди, қўшимча ишчи ўринлари яратилди.

Бунинг самараси ўлароқ, бири икки бўлмаётган, топган даромадини ейиш-ичишдан орттира олмаётган кишиларнинг давлатга ишончи ортди. Маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси кўмаги ва беғараз ёрдами тўғрисида ҳаётда ўз йўлини топиб кетганлар сони ортиб бораётгани ҳам бор гап.

“Маҳаллабай” ишлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўринларини яратиш орқали камбағалликни қисқартириш борасида Фарғона вилоятининг Бағдод туманида амалга оширилаётган ишларни ўрганиш жараёнида бунга яна бир бор амин бўлдим. Харакатлар зое кетмаётгани одамларнинг хурсандлиги ва қувонч-уфуриб турган самий сўзлари ва нигоҳларида акс этаётди.

Ўзига юклатилган вазифани сидқидилдан, виждонан бажараётган Фарғона вилояти Бағдод тумани “Боғишомол” МФИдаги ҳоким ёрдамчиси Қобилжон Қўлдошевнинг фаолияти юқоридаги сўзларимизга исбот.

Қобилжоннинг тавсиясига кўра, МФИдаги Қўрғонча кўчасида яшовчи тўғма ноғиронлиги (қарсоқов) бўлган Уринбой Олимов ва Мавлуда Жабборова хонадонига субсидия орқали замонавий тикув машинаси ажратилган. Бугунги кунда улар ўз хонадонига сифатли бош кийимлар тикмоқда. Ҳозир мавсум бўлгани сабаб кўллари кўлларида тегмайди.

Улар камтарона ва ҳалол меҳнати орқали 3 фарзандни катта қилмоқда. Ота-она ноғирон бўлса-да, фарзандларнинг учаласи ҳам соғлом вояга етмоқда. Илгари қўлда санокли бош кийим

тикиб кун кўришган, тикув машинали бўлганларидан кейин эса махсулотларининг сифати ва сони кескин ошган. Ҳомийлик тариқасида уларга яна битта замонавий тикув машинаси берилгани эса нур устига нур бўлди.

Энди Мавлудахон ўзига шогирд ҳам олиб, ёшларга хунар ўргатиш ва ишлаб чиқаришни кўпайтиришни мақсад қилиб қўйди. Бундан ташқари, жорий йил октябрь ойида экин-тикин учун оилага 0,15 гектар суғориладиган ер ажратилган. Ерга баҳорги картошка экиш режаланиб, картошка уруғи ҳам олиб қўйилган.

Хонадоннинг тўнғичи Мадинахон келажақда сурдотаржимон касбини эгаллаб, ота-онасига хизмат қилиши ҳамда қар-соқовларни ўқитишга ўзини бағишлашни билдирди.

Вилоятнинг Бағдод, Бувайда, Олтиарик, Риштон ва Сўх туманларида ҳоким ёрдамчилари фаолияти билан танишиб, Қобилжон каби фидойи ёшлар кўпчилигига тўлиқ ишонч ҳосил қилдик.

Ҳоким ёрдамчилари фаолияти йўлга қўйилиши билан аҳолимиз орасидаги бориға шўқ қилиб яшаётган андишаги, юз-хотирли, талай муаммолари бўлса-да, уларни оиласидан ташқариға чиқаришдан тортиниб юрган, аммо қўшимча даромад топиш, яшаш шароитини яхшилашга умиди бўлган кишилар хонадонига сўроновналар орқали аниқланди.

Ҳоким ёрдамчилари фуқаронинг шароитини бевосита унинг хонадонига бориб ўрганади, моддий ва маънавий имкониятлари билан жойида танишади. Бу эса вазият ва масаланинг ечими юзасидан ҳаққоний ва тўғри хулоса қилишга замин яратяди.

Бугун ҳоким ёрдамчилари кўмаги билан маҳалланинг ўзида тикувчилик, хунармандлик, деҳқончилик кооперациялари ташкил этилмоқда. Ишларни ташкил қилиш жараёни мунтазам мониторинг қилиб борилади. Субсидия орқали тадбиркорликни бошлаганларнинг хомашё, айланма маблағга бўлган эҳтиёжи имкон даражасида қондирилмоқда.

Ҳеч қайси маҳаллада камбағаллик олиб келадиган сабаб ёки омил мавжуд эмас. Бироқ аҳолининг тадбиркорлик, омиликорлик, молиявий имтиёз ва кредитлардан фойдаланиш борасидаги ҳуқуқий саводхонлиги етишмаётгани яққол кўзга ташланмоқда. Қувонарлики, ана шу бўшлиқни тўлдиршида ҳам ҳоким ёрдамчилари камарбаста.

Ҳоким ёрдамчилари ва масъуллар ислохотларнинг олдинги сафида экани улар зиммасидаги масъулият ва жавобгарлик залварини оширади.

ОБОД МАНЗИЛЛАР

БУГУН ЧИМБОЙДА ҲАЁТ БОШҚАЧА

Қорақалпоғистоннинг Чимбой тумани Навоий вилоятидан қарийб 600 километр олида жойлашган. Қачонлардир навоийликларга узоқ туюлган бу манзил бугун улар учун кадрон гўшага айланди.

Навоий вилояти айнан шу ҳудудга бириктирилганидан сўнг ўтган вақт давомида бир неча янги ижтимоий объект барпо этилди, мавжудлари қайта таъмирланди ва ўзгача қиёфа касб этди. Ўтган вақт мобайнида вилоятнинг Учқудуқ, Томди, Қонимеҳ, Қизилтепа, Навбахор, Хатирчи туманларидан масъуллар Чимбойда бўлиб, 10 дан ортққ лойиҳаларни амалга оширишга бошқош бўлди. Хусусан, Учқудуқ ва Томди туманлари ҳокимлари ўринбосарлари 4 кун давомида Чимбой туманида бўлиб, ҳудуднинг Юсупов массивидаги 1 090 гектар майдонда 5 та лойиҳани амалга оширишни белгилаб олди. Шунингдек, Қонимеҳ тумани ҳокимлиги томонидан Чимбой туманининг Тозажол овули Бузатов бўлимида майда шохли молларни кўпайтириш мақсадида 300 бошдан 2 та отар ташкил қилинди. Қизилтепа тумани масъуллари эса чорвачилик комплекси очиш ишларини бошлади.

Яқинда Навоий вилояти ҳокими Нормат Турсунов бошчилигида шаҳар ва туман ҳокимлари, ташкилотлар раҳбарлари ҳамда тегишли мутасаддилар Чимбой туманида бўлиб, бир неча янги ижтимоий объектнинг очилиш маросимида иштирок этиб, янги лойиҳалар билан танишди. Жумладан, ҳудудда замонавий давлат мактабгача таълим ташкилоти яна биттага кўпайдиган бўлди. Бунинг учун 4 миллиард сўмдан ортққ маблағ ажратилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

— Навоий вилояти туманимизга бириктирилгандан сўнг ҳудудда кўплаб янгиланишлар гувоҳи бўляпмиз. Туманимизда 22 та фуқаролар йиғини бўлиб, навоийлик мутасаддилар хонадонма-хонадон юриб, фуқаролар билан мулоқот қилди, мавжуд муаммоларни ўрганди. Аҳолини қийнаётган масалалар босқичма-босқич ҳал этилаётганидан барча мамнун. Ҳар бир ислохот инсон қадрини учун бўлаётганини кўриб, ҳис қилиб турибмиз. — дейди Чимбой тумани ҳокими ўринбосари Гулзар Мамбетниязова.

Бугунги кунда Чимбойда 113 мингдан ортққ аҳоли истиқомат қилади. Ҳудуд аҳли учун муносиб шароит яратишга қаратилган эътибор маҳаллаларни обод манзилларга айлантириш йўлидаги сазй-ҳаракатларда янада буй кўрсатмоқда.

“Кенес” овул фуқаролар йиғинида аҳоли, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Ҳудуд инфратузилмасини яхшилашга қаратилган ишлар самараси ўлароқ, тадбиркорлик субъектлари сони ортиб, янги иш ўринлари яратилляпти. Бу ерда Навоий вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан маҳаллий бюджетдан 902 миллион сўм ажратилиб, маҳалла учун янги бино қурилди.

— Зарур жиҳозларга эга замонавий маҳалла биноси фойдаланишга топширилди барчамизни бирдек қувонтирди. Бундан ташқари, янги спорт майдончаси, мини футбол стадиони ҳам овулимиз ёшлари учун ажойиб тўхфа



бўлди. Хонадонлардаги мавжуд муаммолар бартараф этилмоқда. Ҳар бир оилага 30 тадан парранда бепул тарқатилди, 5 нафар ёшга ўзини ўзи банд қилиш учун мотокўлтраторлар берилди. — дейди “Кенес” овул фуқаролар йиғини фаоли Алишер Алланиёзов.

Навоий вилояти томонидан Чимбой туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан жами 19,2 миллиард сўм йўналтириш белгиланган бўлиб, бугунги кунга қадар 11,7 миллиард сўм молиялаштирилди. Тумандаги 7 та ижтимоий соҳа объектига қиймати 9,1 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Ҳудудда муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, уй-жой коммунал соҳасидаги муаммоларни ижобий ҳал этиш бўйича ҳам қатор ишлар қилинди. Хусусан, тумандаги 7 та маҳалланинг 20 километр ички йўлида 4 миллиард 500 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш тўлиқ ниҳоясига етказилиб, 40 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатадиган йўл инфратузилмаси яхшиланди. Ичимлик сув билан таъминлаш даражаси паст бўлган маҳалла ва овулларда 470 миллион сўм эвазига кудуқ қазив ва 6 километр масофага сув қувурлари тортиш ишлари тўлғанди. Бу орқали 32 мингдан ортққ киши ичимлик сув билан таъминланди.

Туман аҳолисининг табиий газ билан таъминланиш даражасини ошириш мақсадида Бердак, “Қорақўл” ва “Темир йўл гузари” маҳалла фуқаролар йиғинларига қиймати 224 миллион сўмлик газ қувури тортилиб, қарийб 17 минг кишининг табиий газга бўлган талаби қондирилди. Электр энергияси таъминотини яхшилаш мақсадида эса қиймати 480 миллион сўмлик 6 та трансформатор ўрнатилди. Натижада 34 мингга яқин аҳолини электр энергияси билан узлуксиз таъминлашга эришилди.

Туман аҳолиси спорт билан мунтазам шуғулланиши учун сунъий қопламали 3 та спорт майдончаси қуриб, фойдаланишга топширилди.

Туманда ижтимоий аҳоли оғир бўлган беморлар соғлигини тиклаш юзасидан амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида йил давомида Навоий вилоятидаги даволаш профилактика муассасаларининг 40 нафарга яқин мутахассиси иштирокида тиббий кўриклар, профилактик тадбирлар ўтказилди. Тўғма юрак нуқсонли бўлган болалар вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида операция қилинди.

— Уғлим тўғма юрак нуқсонли билан тутилган. Тез-тез чарчаб, нафас олишга қийналарди. Навоийда ўтказилган тиббий кўрикдан сўнг операция қилинди. Ҳозир уғлимнинг соғлиги анча яхши, ижобий томонга ўзгармоқда. Қувончимиз кечисиз ва навоийлик шифокорлардан миннатдоримиз, — дейди чимбойлик Улдай Абилаева.

Мураққаб жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли нафақат малакали мутахассисларнинг малака оширишига қаратилган эътибор самараси, балки хориждаги етакчи шифо масканлари жарроҳлари билан яқин ҳамкорлик натижаси ҳамдир.

— Фаолиятимни Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида давом эттиряпман. Бу ердаги имкониятлар хориждаги нуфузли шифо масканлариникидан қолшмайди. Маҳаллий шифокорлар билан болалардаги тўғма юрак

нуқсонини даволяпмиз. Жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли ўтказилди ва хавотирга ўрин йўқ. Бу болалар энди соғлом тенкурларни сафида, — дейди россиялик шифокор Алексей Зубрицкий.

Чимбой туманидаги Мурувват уйида 255 киши яшайди. Уларнинг саломатлиги, кун тартиби тўғри ташкил этилиши 197 нафар малакали мутахассис назоратида. Бу маскандагилар учун янада кулай шароит яратиш мақсадида қўшимча 20 ўринли янги бино қурилди.

— Ушбу бино 1974 йилда қурилган бўлиб, 2015 йилда қайта таъмирланган. Шу вақтгача айрим фуқароларимиз учун алоҳида бинага эҳтиёж бор эди. Навоийлик мутасаддилар иштирокида бу масала қисқа фурсатларда ижобий ҳал этилди. Янги бинада барча қўлайликлар мавжуд. Энг сўнгги рўсумдаги тиббий жиҳозлар, мебеллар ва койкалар бор, — деди Мурувват уйи директори ўринбосари Алишер Турганбоев.

Бу каби эзгу ва хайрли жараёнларда Чимбой тумани аҳолиси учун ташкил этилган маданий тадбирлар ҳам эътиборга молик. Жумладан, чимбойлик 50 нафар нуруний ва кекса Навоий вилоятидаги зиёратгоҳларга олиб борилади. Санъат дастурлари ташкил этилди.

— Навоий вилоятида қорақалпоқ маданияти ва санъатини намойиш этиш имконияти яратилди ва бир неча жойда концерт бердик. Бу тадбирлар миллатларимиз ўртасидаги дўстлик ва тотувчилик янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. — дейди Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Бахтиёр Ёнсемуратов.

Ҳа, Чимбой туманининг бугунги қиёфаси аввалгидан тубдан фарқ қилади. Эътибор ва ғамхўрлик чимбойликларни юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшашга ундамоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
журналист

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

КИЧИК ОДИМЛАР ШАХДАМ ҚАДАМЛАРГА АЙЛАНАДИ



Агриппина ШИН, мактабгача таълим вазири

Бошланиши 1-бетда

Иш аввалида лойиҳанинг чекка ҳудудларга етиб бориб, у ердаги ўғил-қизларнинг сифатли таълим-тарбия олишини таъминлаш, боғчага қамров даражасини ошириш ва замон билан ҳамнафас тарзда педагогикадаги сўнги технологиялардан унумли фойдаланиш мақсад қилинган эди. Дидактик адабиётлар, ишланган фильм ва курсатувларнинг имкон борича жозибали, кичкинтойларга маънавий озуқа берадиган шаклда тайёрланиши лойиҳамиз мазмунини таъминлади. Уйлаймики, лойиҳа барчага манзур бўлди. Келгусида бу йўналишда ҳам лойиҳа қамровини, фаолиятини кенгайтириб, янада кўп болани қамраб олиш, боғчадан кичкинтойларга сифатли таълим-тарбия бериш мақсад қилинган.

“Имкон” — мутлақо янги модель

2019 йил апрелда илк мартаба Қорақалпоғистонда таркибида алоҳида парварishiга муҳтож болалар учун “Имкон” реабилитация маркази бўлган ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотини очилди. Лойиҳанинг ноёблиги шундаки, у алоҳида парварishiга муҳтож, ногиронлиги бўлган болаларнинг ихтимойий-маданий ривожланиши, таълим олиши ва соғломлаштирувчи реабилитациясини таъминлайди. Утган йили Тошкент вилояти Қўбрай туманида ҳам “Имкон” реабилитация марказига эга янги давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотини очилди. Бу мамлакатимиздаги иккинчи марказдир.

Тўлақонли реабилитация маркази ва 150 ўринли болалар боғчасига эга “Имкон” марказлари мактабгача таълим тизимидаги мутлақо янги модел. Улар фаолияти имконияти чекланган болаларга ҳар томонлама ёрдам беришга қаратилган бўлиб, ўқитувчилар ва тиббий ходимларнинг ота-оналар билан биргаликда ҳар бир болани ривожлантириш ва реабилитация қилиш режасини ишлаб чиқиш, уни бир муассаса доирасида амалга оширишга кўмаклашди. Бу, шубҳасиз, ота-оналар ва фарзандлар учун қўшимча қулайликдир. Чунки улар авваллари ҳар томонлама ёрдам олиш учун шаҳар ёки туманнинг турли ҳудуддаги ҳар хил мутахассисларга мурожаат қилиши керак эди.

“Имкон” марказларида 2-7 ёшли ўғил-қизлар учун (қўйилган ташхисга қараб) 10 гуруҳдан иборат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотини ҳамда 18 ёшгача бўлганлар учун реабилитация маскани фаолияти йўлга қўйилди. Даволаш тадбирлари ривожланишдаги камчиликларни тўзатишга, тиббий реабилитация ва ихтимойий мослашувга йўналтирилган. Бунинг учун зарур барча тиббий шарт-шароит яратилган. Етаки хорижий ташкилотлар иштирокида махсус тайёргарлик ва малака оширишдан ўтган тажрибали мутахассислар ота-оналар ва фарзандларга кўмак бериб келмоқда.

Дунё билан бўйлашиб...

Мактабгача таълим вазири хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамламоқда. Утган давр мобайнида мамлакатимизда мактабгача таълим тизimini ривожлантиришга қаратилган 80 га яқин меморандум ҳамда келишув имзолангани бунинг тасдиғидир.

Жумладан, тегишли йўналишда Жанубий Корея, Хитой, АҚШ, Россия, Япония, Сингапур, Туркия, Беларусь каби давлатлар ҳамда Жаҳон банки гуруҳи, UNICEF, UNESCO, KOICA, JICA, TIKA, EXHT, Саудия тараққиёт жамғармаси, “Mercy Corps”, “Россотрудничество” сингари кўплаб халқаро молия институтлари ва ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Хусусан, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (TIKA) билан биргаликда 2018 йилда Самарқанд шаҳридаги 6 та мактабгача таълим ташкилотини ва Паирий тумани-



даги биринчи мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари бажарилди.

Шунингдек, Мактабгача таълим вазири Жаҳон банки билан ҳамкорликда қиймати 73,8 миллион АҚШ долларига тенг бўлган “Кичик ёшдаги болаларнинг эрта ривожланишини тақомиллаштириш” лойиҳасини амалга оширмоқда. Бундан мақсад эрта ёшда билим олиш имкониятини ва мактабгача таълим муассасаларида ўқитиш сифатини оширишга қаратилган.

Корея Республикасининг “Voouyong Group” ва “АНА” компаниялари томонидан мамлакатимиздаги баъзи боғчаларни жиҳозлаш учун рақамли ўргатувчи пианино ва интерактив доскалар шаклидаги моддий-техник воситалар тақдим этилди. Мамлакатнинг “EDULINK” компанияси билан ҳамкорликда болалар учун мактабгача таълим ташкилотлари, педагоглар ва тарбияланувчиларнинг ота-оналари учун “S-Board” мобил таълим иловаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги томонидан мактабгача таълим соҳасидаги 20 нафар педагогнинг малакасини ошириш бўйича шу йилнинг июнь ойида 2 марта ҳафталик курслар ташкил этилди.

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида мактабгача таълим соҳасига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун халқаро молия институтлари билан музокаралар ўтказилди. Хусусан, Ислон тараққиёт банки, ОПЕС фонди ва Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси билан умумий қиймати 70 миллион АҚШ долларига тенг давлат-хусусий шериклик битимларини молиялаштиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун лойиҳаларни ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, инвесторлар томонидан маъқулланди.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Сурхондарё вилояти-

Ислон тараққиёт банки ва Мактабгача таълим вазири ўртасида умумий қиймати 50 миллион АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳани амалга ошириш тўғрисида келишувга эришилди. Лойиҳа доирасида республиканинг барча ҳудудда давлат-хусусий шериклик асосида 200 га яқин нодавлат мактабгача таълим ташкилотини ташкил этиш кўзда тутилган.

Инновацион ёндашув — давр талаби

Ўқув-тарбия жараёнида замонавий таълим дастурлари, илгор ахборот ва педагогика технологияларини жорий этиш орқали болаларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий, жисмоний ривожлантириш, мактабга тайёрлаш даражасини ошириш катта аҳамиятга эга. Бу борада мактабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизими — OpenEMIS дастури қулайлик ва сифатли фаолиятга йўл очди, десак муболага бўлмайди.

У мактабгача таълим ташкилотлари ҳақида маълумот тўплаш ва уларни тақдим қилишга мўлжалланган, ўқитиш ва тарбияга оид маълумотларни бошқариш тизимидир. Унинг ишга туширилиши болаларнинг мактабгача таълим ташкилотига электрон навбат асосида шаффофлик билан қабул қилинишини таъминлади. Қолаверса, у орқали тарбияланувчиларнинг ёши ва жинсини ҳисобга олган ҳолда, ҳудудлар ва мактабгача таълим ташкилотлари бўйича болаларнинг қатнови ва саломатлигини онлайн назорат қилиш имконияти пайдо бўлди. Тизимнинг яна бир афзаллиги шундаки, унда онлайн тўлов, МТТ ҳисобини юритиш, ходимлар мониторингини олиб бориш мумкин.

Шунингдек, UNICEF билан ҳамкорликда Microsoft тизими асосида яратилган, тармоқ ва офлайн функциялар ҳамда имкониятларнинг ўзига хос тўп-

Таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш учун ўқув-методик материаллар, мультимедиа контент ишлаб чиқиш, мактабгача таълим тизими ходимларининг ахборот-коммуникация ва педагогика технологиялари бўйича билим ва малакасини ошириш, инновацион таълим муҳитини ташкил этиш борасида ҳам қатор ишлар бажарилмоқда. Жумладан, ўқитувчилар, таълим соҳаси экспертлари, вазириликдаги малакали мутахассисларнинг махсус методикаси бўйича мактабгача ёшдаги болалар учун “InnoKids” маърифий мобил ўйини ишлаб чиқилди. Ундаги ранг-баранглик ва графиканинг сифати ҳар қандай боланинг эътиборини тортиши шубҳасиз. “InnoKids” 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган ўғил-қизлар учун таълимга оид турли қизиқарли маърифий ўйинларни ўз ичига олади.

Жанубий корейлик ҳамкорларимиз томонидан бегараз ёрдам тариқасида мамлакатимиздаги мактабгача таълим ташкилотларига 275 та Albert ва Genibot ақли робот, жумладан, болаларга робототехника ва дастурлаш кўникмаларини ўргатишга мўлжалланган 350 та ўқув қўланма тақдим этилди. Мазкур роботлар 6 ёшдан катта тарбияланувчиларга мўлжалланган. Биринчи босқичда бола тайёр кодлаш карталари ёрдамида ўйинчонки ҳаракатланишга, кўзини пирпиратишга, гапиришга мажбур қилади. Шу тарзда у код блокларининг қандай ишларини тушуниб олади. Ўша каттароқ болалар роботни смартфонга улаб, ўз буйруқ ва алгоритмларини киритиши мумкин.

“Болалик академияси” тегишли халқаро ва маҳаллий ташкилотлар, таълим соҳасининг илгор мутахассислари ҳамкорлигида яратилган қўлай ва мослаштирилган рақамли платформадир. У узлуксиз таълимни кўплаб-қуватлаш, аънаваний ўқитиш тизимларига рақамли технологияларни жорий этиш, юртимиздаги мактабгача таълим тизими ходимлари ва мутахассисларига, шунингдек, ота-оналар ва боғча ёшдаги кичкинтойларга кўмаклашишга мўлжалланган. Айни пайтда у мазмунан тақомиллаштирилмоқда.

UNICEF ота-оналар учун 6 ёшгача болалар саломатлиги ва ривожлани-



шнинг барча жиҳатига доир мутахассислар маслаҳати билан таъминловчи Vebbo мобил иловасини ишга туширди. Унда эмлаш, тиббий қўрик ва бола ҳаётининг бошқа муҳим босқичларини қайд этиб бориш мумкин. Мазкур бепул илова ота-оналарни боланинг соғлиги ва ривожланиши бўйича озиқлантириш, эрта ёшдан ўқитиш ва ўйиннинг аҳамияти, сезгир ота-оналик, ҳимоя ва ҳафсизлик каби кенг қўламли масалалар бўйича мутахассислар маслаҳати билан таъминлайди.

Келажакка қаратилган инвестиция

Давлатимиз раҳбарининг “2017–2021 йилларда мактабгача таълим тизimini янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори тизим фаолиятини янги босқичга кўтариш, соҳани бугунги кун талаблари даражасида модернизациялашга хизмат қилаётир. 2017–2022 йилларда 1926 та мактабгача таълим ташкилотини қуриш ва реконструкция ишлари бажарилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида 236 минг 621 ўринли боғчалар фойдаланишга шай ҳолда топширилди. Кейинчалик қўшимча 91 минг 448 та янги ўрин очилди.

Президентимизнинг 2021 йил 10 июндаги “Қамров даражаси паст бўлган туманларда мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида 50 та мактабгача таълим ташкилотини қуриш ва бунинг натижасида 7 минг 500 янги ўрин очиш устида иш олиб борилмоқда.



Шу билан бирга, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида юртимиз миқёсида 142 та объектда қурилиш, реконструкция ва мукамал таъмирлаш ишлари қизғин кетмоқда. Натижада 19 минг 135 ўрин очилиши кўзда тутилган. Қолаверса, Президентимизнинг ўтган йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ихтимойий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини ижроси доирасида жорий йилда 24 та мактабгача таълим ташкилотини қурилиб, бу орқали 6 минг 420 ўрин очилмоқда.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида юртимиз миқёсида 142 та объектда қурилиш, реконструкция ва мукамал таъмирлаш ишлари қизғин кетмоқда. Натижада 19 минг 135 ўрин очилиши кўзда тутилган. Қолаверса, Президентимизнинг ўтган йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ихтимойий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини ижроси доирасида жорий йилда 24 та мактабгача таълим ташкилотини қурилиб, бу орқали 6 минг 420 ўрин очилмоқда.

Шу билан бирга, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида юртимиз миқёсида 142 та объектда қурилиш, реконструкция ва мукамал таъмирлаш ишлари қизғин кетмоқда. Натижада 19 минг 135 ўрин очилиши кўзда тутилган. Қолаверса, Президентимизнинг ўтган йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ихтимойий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини ижроси доирасида жорий йилда 24 та мактабгача таълим ташкилотини қурилиб, бу орқали 6 минг 420 ўрин очилмоқда.

Бош мезон — сифат

Мактабгача таълим узлуксиз ўқитишнинг бошланиш қисми сифатида болада билим олишга иштиёқ уйғотади, уни тизимли ўқув жараёнига тайёрлаб боради. Илк ва мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш бўйича давлат талабларига мувофиқ ва халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган “Илк қадам” давлат ўқув дастури шу мақсад бўёбига хизмат қилади.

Дастур доирасида ҳар бир мактабгача таълим ташкилотига 5 та ривожланиш маркази ташкил этилиб, болалар қуриш ва математика, санъат, илм-фан ва табиат, тил ва нутқ, сюжетли-ролли ўйинлар каби йўналишларда кўникма ҳосил қилмоқда.

UNICEF ва Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамкорлигида ўқув-тарбия жараёни сифатини баҳолаш тизими ишлаб чиқилди, асосий мезонлар тасдиқланди. Мактабгача ёшдаги болалар учун бадиий-ўқув рангли буклетлар яратиш концепцияси ишлаб чиқилгани ҳамда унинг асосида китоблар тайёрлангани соҳадаги катта қадам бўлди.

Грециянинг “MM-publication” наشريёти билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган 20 минг нусха “Hi Kids! For Uzbekistan” тўплами инглиз тилини ўқитиш учун мактабгача таълим ташкилотларига тақдим этилди. Улардан самарали фойдаланиш юзасидан халқаро мутахассислар иштирокида семинар-тренинглари ўтказилди.

Жаҳон банкининг болаларнинг барвақт ривожланишига кўмаклашиш лойиҳасини тайёрлаш дастури бўйича

MELQO барвақт таълим сифати ва натижаларини баҳолаш халқаро тизими воситаларидан фойдаланган ҳолда таълим жараёни сифатини баҳолаш юзасидан ҳаракатлар режаси тасдиқланди.

Улар ҳаётимиз мазмуни

Болалар кулгиси бизни ҳамisha қувонтиради. Улар ҳаётимиз мазмунидир. Уларнинг табассумига сабабчи бўлиш учун барча ўғил-қизларни, жумладан, алоҳида таълимга муҳтож болалар эътиёжини таъминлаш тизимдаги муҳим йўналишлардан.

Шу боис, ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсон бўлган болаларни кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотини ҳамда қўшма мактабгача таълим ташкилотларига йўллаш бўйича Тиббий психологик-педагогик комиссия фаолияти тақомиллаштирилди. Бугун мамлакатимиз бўйича малакали педагог ва тиббий мутахассислар билан таъминланган 14 та ҳудудий тиббий психологик-педагогик комиссия фаолият қўрсатмоқда. Шунингдек, болаларни реабилитация қилиш ва уларнинг абиляция бўйича сифатли хизматлардан фойдаланишини таъминлаш, жамиятга мослашувини ошириш мақсадида янги авлод мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти ҳам йўлга қўйилмоқда.

Жорий йил ҳолатига кўра, юртимизда ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсон бўлган болаларга мўлжалланган кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари сони 74 тани ташкил этди. Яъни 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 60,6 фоиз камайди.

Алоҳида таълимга муҳтож болаларнинг билим ва тарбия олиши учун керакли шарт-шароитлар яратиш, уларга сифатли коррекцион-педагогик, реабилитацион ёрдам қўрсатиш мақсадида давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларини коррекцион, педагогик ва реабилитация ускуналари билан жиҳозлаш дастури амалга оширилмоқда. Унинг биринчи ва иккинчи босқичи доирасида Тошкент шаҳридаги кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари жиҳозланди. Дастурнинг учинчи босқичи доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги барча кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари махсус жиҳозларга эга бўлди.

Бу саъй-ҳаракатлар тизимда бажарилаётган ишларнинг муайян қисми, холос. Беш йилда қилинган ишларни баҳолаш шарҳласак, рақамларни келтирсак, саҳифаларга сифатлиги шубҳасиз. Зотан, мамлакатимизда қисқа муддатда мактабгача таълим соҳасида улкан ўзгаришларга эришилгани халқаро экспертлар, таникли мутахассислар томонидан эътироф этилмоқда.

Бу ҳам керак, албатта. Бироқ биз учун энг муҳим фарзандларимизнинг ақлан ва жисмонан расо, руҳан соғлом ва баркамол бўлиб улғайишидир. Вақти келиб, бугунги ишлар самарасини давлатимизни тараққи эттириш учун жамиятимизга янгила куч бўлиб қўшилган дуркун, соғлом, интеллекти юксак йигит-қизлар тимсолида кўрсак, халқимиз олдида юзимиз ёруғ, қаддимиз тик бўлади.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛИШДА АКС ЭТАДИ

Мамлакатимизда бошланган йирик ислохотларнинг барчаси бир мақсадга қаратилган: халқ давлатдан, ҳаётдан рози бўлсин! Бу борада катта ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, айрим ҳудудларда вазифаларни бажаришда сусткашликка йўл қўйилаётгани сезилмоқда. Президентимиз учтепа туманига ташири Давомидда ширин маҳалласидаги кўп қаватли уйлар ҳолатини ўрганиб, аҳоли муаммолари билан танишди.

Бошланиши 1-бетда

Жамоат транспортидаги қулайлик аҳоли кайфиятида бўй кўрсатади

Ақсарият одам эрталаб ишга шошади. Ҳафтасида, талабалар ўқишга оила-нади. Манзилни яқин қилишда энг қулай жамоат транспорти — автобус. Автобуслардаги хизмат аҳоли кайфиятига, албатта, таъсир қилади.

Сўнги йилларда минглаб аҳоли турар жойлари қад ростлади, пойтахтимиз аҳолиси сони ошди, шаҳар кенгайди. Шунга яраша жамоат транспортдан фойдаланувчилар кўпайди. Айни пайтда пойтахтимизда кунига 1 миллион 300 минг йўловчи жамоат транспортдан фойдаланмоқда. Кунлар кескин совиб кетиши ёки йўлларда ямалак ҳосил бўлиши шундоқ ҳам оралик вақти чўзилиб бораётган автобусларнинг аҳолига сифатли хизмат кўрсатишига салбий таъсир этади.

“Тошхажратрансхизмат” АЖ раиси Анвар Жўраевнинг таъкидлашича, жамоат транспортидаги оралик вақт аҳолига сифатли хизмат кўрсатишга ҳалақат бераётган илк сабаблардан биридир. Шунингдек, автобуслар етишмаслиги асосий муаммолардан. Давлатимиз раҳбарининг айни вақтида соҳага эътибори, тизимда тезкор чоралар кўриши буйича топшириқ бериши халқни ўйлаб ташланган муҳим қадам бўлди. Президентимиз ушбу соҳага хусусий секторни жалб қилиши, уларга керакли микдорда субсидия ажратилиши ва бошқа имкониятлардан самарали фойдаланиш лозимлигини таъкидлади. Мавжуд, аммо таъмирталаб автобусларни таъмирлаб, тезроқ қатновга чиқариш учун ҳаракат бошланди. Бундан ташқари, 2023 йилда жамоат транспорти бир маромда ишлашини таъминлаш ҳамда аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини тўлиқ қондириш мақсадида қўшимча автобуслар сотиб олиш лойиҳасини киритиш тақлифи билдирилди. Бу лойиҳанинг амалга ошириши аҳоли учун катта энгиллик, қулайлик яратяди.

— Автосаройимизда 180 та автобус мавжуд, — дейди Учтепа туманидаги 18-автосарой директори ўринбосари Убайдулла Абдуллаев. — Айни пайтда 130 та автобус йўналишда ҳаракатланмоқда. 50 та автобус эса таъмирланмоқда. Тонги 5:00 дан то 23:50 гача

автобуслар ўз йўналишида аҳолига хизмат кўрсатади. Белгиланган оралик вақт 10 дақиқадан 15 дақиқачага. Бироқ йўналишда бирор автобус бузилиб, таъмирталаб бўлиб қолса, табиийки, оралик вақт ўзгаради. Бундан ташқари, йўл ҳолати, ноқулай об-ҳаво шароити ҳам автобусларнинг оралик вақтига салбий таъсир ўтказмай қолмайди. Президентимизнинг автосаройимизга ташири чоғида тизимдаги кўлаб муаммоларга ечим топиб берилди. Масалан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан яна 1000 та автобус сотиб олиниб, шаҳримиз бўйлаб йўналишларга чиқарилиши аҳоли учун катта қулайлик яратяди. Айни пайтда корхонамиз 22 йўналиш бўйича кунига 74 минг йўловчига хизмат кўрсатмоқда. Давлатимиз раҳбари, айниқса, ҳозиргидек совуқ кунларда аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш шартлигини алоҳида таъкидлади. Одамлар бекатларда совқотиб автобус кутмасин, тиқилинча юрмасин, деди. Шу боис, кучайтирилган тартибда ишлаб, энг оғир йўналишларга қисқа муддатда қўшимча автобуслар қўйиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

“Давлатимиз раҳбари далда берди”

Инсон қайси ишга қўл урмасин, меҳр билан бажарса, ўз ишини яхши кўрса, виждонан меҳнат қилса, ишида барака бўлади, бу иш чарчоқ эмас, қувват беради. Ёқубжон Аҳмаджонов салкам 50 йилдан бери автобус



Давлатимиз раҳбари, айниқса, ҳозиргидек совуқ кунларда аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш шартлигини алоҳида таъкидлади. Одамлар бекатларда совқотиб автобус кутмасин, тиқилинча юрмасин, деди. Шу боис, кучайтирилган тартибда ишлаб, энг оғир йўналишларга қисқа муддатда қўшимча автобуслар қўйиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

ҳайдайди. Отаси ҳам моҳир ҳайдовчи эди. Оиладаги уч ўғил ота касбининг эстагидан тутиб кам бўлмади. Бугун “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими” фахрий унвони соҳиби Ё.Аҳмаджонов шу касбининг ортидан 4 фарзандни тарбиялаб, элга қўйди.

Сарф-харажат катта, самара эса нисбатан кам. Президентимиз иссиқлик марказида бўлиб, бир қанча тақлифлар билдирди.

— Давлатимиз раҳбари иссиқлик узатиш жараёнини янада такомиллаштириш, аҳолига сифатли иссиқлик етказиш бўйича топшириқлар берди, — дейди “Тошкент иссиқлик маркази” ДУК директори Шероод Султонов. — Эски ускуналардан босқичма-босқич янгиларига ўтиш, модернизация қилиш, қўшимча равишда иссиқлик энергияси билан бирга электр энергияси ҳам ишлаб чиқариш чораларини кўриш бўйича тақлифлар киритилди. Мавжуд электр энергияси ва газни тежаш, тизимга халқаро амалиётда ўзини оқлаган технологияларни татиқ қилиш, мўқобил энергия ресурслари имкониятларидан кенг фойдаланиш учун самарали технологияларни қўллаш лозимлиги таъкидланди. Давлатимиз раҳбари Европанинг ривожланган давлатларида самарали фойдаланилаётган ихчам иссиқлик марказларини пойтахт туманларида аввалига синов, кейинчалик кенг қўллаш бўйича ҳам кўрсатма берди. Келгусида бу ишлар амалиётга татиқ этилади ва аҳоли учун бу йилгидек ҳавонинг кескин совиб кетиши муаммо келтириб чиқармайди.

Президентимиз ўзи билан илиқлик, ишонч олиб келди

Мамлакатимизда бошланган йирик ислохотларнинг барчаси бир мақсадга қаратилган: халқ давлатдан, ҳаётдан рози бўлсин! Бу борада катта ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, айрим ҳудудларда вазифаларни бажаришда сусткашликка йўл қўйилаётгани сезилмоқда. Президентимиз Учтепа туманига ташири Давомидда Ширин маҳалласидаги кўп қаватли уйлар ҳолатини ўрганиб, аҳоли муаммолари билан танишди.

— Бу ерга 1988 йили кўчиб келганмиз, — дейди 9-уйбоҳиси Феруза Зокирова. — У пайтлар янги квартал бўлгани боис, бу ерлар жуда чиroyли эди. Қуюқ дарахтзор билан қуршалган уйларга тонгда булбул хониши эшитиларди. Йиллар давомида кўп нарса ўзгарди. Фасадлар, томлар эскирди, атроф ўз кўркини йўқотди. Ҳатто кўп қаватли уй ёнидаги чиқиндиҳона ҳам эскилигича қолиб кетди. Хали у ерни таъмирлаймиз, ҳали бу ерга эътибор қаратамиз. “Эскини ямасанг, эсинг кетади”, дейишди-ку. Кайфиятимиз ҳам шунга мос бўлиб қолди. Президентимизнинг маҳалламизга келиши ҳақида эшитдик, лекин айнан бизнинг кўп қаватли уйга келишини умуман тасаввур қилмагандик. Бугун барча мутасаддилар шу ерда, катта иш бошлаб юборилди. Бу ташири тарихий ҳодиса бўлди, десам янглишмайман.



Чунки одамларнинг қалбида ишонч пайдо бўлди, умид уйғонди. “Энди бизнинг маҳалламизда ҳам ўзгаришлар бўлади, энди ҳаётимиз ўзгаради”, деган умидбахш ишонч.

Гавҳар Султонбекова 2016 йили Ширин маҳалласига кўчиб келган. Икки келини, фарзандлари ва неваралари билан яшайди. “Ҳозир ким билан гаплашманг, ислохотлар ҳаётда бўлаётган экан, қоғозларда қолиб кетмаёпти, деб ишонапти. Яқин атрофимиздаги обод бўлаётган маҳаллаларни кўриб, ҳавас қилардик. Мана, маҳалламиз ҳам эътиборга тушди. Бунинг бир исботи, шахсан Президентимизнинг ўзи ҳолимиздан хабар олиш учун келгани бўлди. Ободонлаштириш ишлари бўляпти. Бироқ биз ўзимиздан уялдик. Сабаби эшигимиз тагини тозалаб, чиroyли қилиб ўтирсак, Президентимиз кайфияти кўтарилиб кетса, биз ҳам ўзимиздан мамнун бўлардик.

айниқса, оилада камолга етаётган болажонларнинг қувончига янада қувонч қўшди.

— Турмуш ўртоғим автохалокатда вафот этганида тўнғичимиз Иномжон ҳали 6 ёшга тулмаганди, — дейди Қулпинисо Тиллаева. — Кичкина қўлимда эди. Болаларни имкон қадар бировдан кам қилмай ўстирдим, тарбияладим. Эл-юрт хизматига шай йигитлар бўлди. Иномжон Миллий гвардия хизматчиси, майор. У дастлаб меҳрибонлик уйдан фарзанд асраб олмакчи эканини айтганида, рости, шундай меҳри фарзандим борлигидан фахрландим. Унинг қарорини қўллаб-қувватладим. Келиним Дилдорахон ҳам жуда болажон. 3 қиз, бир ўғил дунёга келтирди. Набираларим қаторига яна 4 набира қўшилди. Бағримиз бутун бўлди. “Қиз фарзанд пешонамда йўқ экан”, деган армонларимнинг ўрни тўлди. Қаранг, атрофимда олти қиз. Аллоҳ ниятларимга етказди. Қувонарлиси, болаларнинг ҳолидан хабар олгани Президентимизнинг ўзи келди. Шарт-шароитлар билан танишди. Невараларим билан суҳбатлашди, кўнглини кўтарди. Президент совғалари топширилди. Давлатимиз раҳбарининг самимий сўрашиши билан бошланган суҳбат жуда файзли бўлди. Ҳар бир боланинг тақдирини

ўйлашини, бу борада масъулиятимиз катта эканини такрор-такрор таъкидлади. Ўғлим ва келинимга бош бўлиб, бу ишонч, албатта, оқлаймиз. Болаларнинг барчаси Ватан қорига ярайдиган, уни кўз қорачигидек асрайдиган авлод бўлиб етишади.

Малика 238-мактабнинг 6-синфида ўқийди. Математика энг сеvimли фани. Келажакда дизайнер бўлишни орзу қилади. Қўзалоқнинг айтишича, энг катта орзуси оила, ота-она меҳри бўлган. Бугун бу орзусига етишди. “Президентимиз бизга ота-она меҳрини берди. Яна бизга Президентимиз кайфияти топширишди. Мен жуда хурсандман”, дейди Малика.

Қувонарлиси, бугун бу хонадонларда вояга етаётган болалар учун барча шароит муҳайё. Ҳатто томорқа ҳам бор. Кутубхона болалар билан гавжум. Спорт майдончасида кичкинтойларнинг вақти мазмунли ўтади. Ворк-аут



“Болалар кўзидан ёш оқмасин”

Болажон халқмиз. Боланинг бегонаси бўлмайди, деган эътиқолида собит миллатимиз. Мамлакатимизда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар алоҳида эътиборга олинган. Давлат томонидан берилётган имтиёзлар натижасида бундай ўғил-қизларни ўз бағрига олиб, меҳр кўрсатаётган, тарбия бераётган оилалар сони ортиб борапти.

Учтепа туманининг Найман маҳалласида қад ростлаган оилавий болалар уйи давлатимиз гамҳўрлигининг яна бир амалий намунаси бўлди. 12 оила учун қурилган уйларда барча шароит муҳайё қилинди. Хоналар керакли жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди. Давлатимиз раҳбарининг 1-уйда истиқомат қилувчи Давлатовлар хонадонига ташири,

майдончалари, ёзги саҳна, хиёбон ташкил этилган. “Регистон” ўқув маркази фаолият бошлаши эса нафақат оилавий болалар уйи, балки Найман маҳалласи ҳамда ёндош ҳудудлар ўғил-қизлари учун ҳам катта имконият бўлди.

Бугун бу мажмуада ўз оиласидек бир маконга эга, ота-оналар бағрида жам бўлган болажонларнинг қувончи чекиси. Улар давлат гамҳўрлиги остида улғаяди. Оиладаги қадриятлар, аънаналар билан танишади. Ота-она меҳрини ҳис қилади, опа-сингил, ака-ука билан ҳаёти тўқис бўлади. Муҳими, уларнинг кўзида ёш бўлмайди, кўнгли кемтик бўлиб улғаймайди. Зеро, Президентимизнинг бу ислохотларни бошлашдан мақсад ҳам, аслида, шу.

Башорат ЮНУСОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

БОЛАЖОН ХАЛҚМИЗ. БОЛаниНГ БЕГОНАСИ БўЛМАЙДИ, ДЕГАН ЭЪТИҚОДИДА СОБИТ МИЛЛАТМИЗ. МАМЛАКАТИМИЗДА ЕТИМ ВА ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БўЛГАН БОЛАЛАР АЛОҲИДА ЭЪТИБОРГА ОЛИНГАН. ДАВЛАТ ТОМОНИДАН БЕРИЛАЁТГАН ИМТИЁЗЛАР НАТИЖАСИДА БУНДАЙ ўғил-қизларНИ ўЗ БАҒРИГА ОЛИБ, МЕҲР КўРСАТАЁТГАН, ТАРБИЯ БЕРАЁТГАН ОИЛАЛАР Сони Ортиб БОРЯПТИ.



Соҳага жалб этилаётган замонавий тажрибалар

Аҳоли турар жойларини иссиқлик билан таъминлаш ўз вақтида бажарилиши лозим бўлган муҳим масала. Кун совиши билан иссиқлик узатувчи марказларга талаб ортади.

Учтепа ва Чилонзор туманларидаги 920 дан ортиқ кўп қаватли бино ва иншоот, 100 дан зиёд ижтимоий соҳа объектига 5-иссиқлик марказидан иссиқлик берилади. Қарийб 4 гектар майдондан иборат мазкур иссиқлик маркази барпо этилганига салкам эллик йил бўлди. Соҳа инновацияларга, янги технологияларга муҳтож.

Қозонхона 700 гигакалория қувватга эга. Ишлаб чиқариш ҳажми 185 гигакалорияни ташкил этади. 1 суткада 600 минг куб метр табиий газ сарфланади.

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

ИЛМ-ФАН ФИДОЙИЛАРИ

Шарқшунослик фани глобаллашув асри фани бўлиб қолмоқда. Ҳар қандай илм-фан соҳаси, тармоғи ва йўналиши эса ўз фидойилари, юқори малакали жонқуярлари, йўлбошчиларининг саъй-ҳаракати шарофати билангина ривожланади, тараққий топади, юксалади.

ШАРҚШУНОС



Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адиб



Сўзимизни буюк адибимиз Абдулла Қодирийнинг ўғли Ҳабибулла Қодирийнинг "Отамдан хотира" китобидан олинган қўйидаги ажиб бир лавҳадан бошлашга тўғри келди.

Эрта кузак эди. Қўнларнинг бирида оғзим оғриб, милкимда ўйилган бир яра пайдо бўлди, ейиш-ичишим қийинлашди. Уч тўрт кун у-бу билан чақчаб юрдим. Барибир тузалмади, оғриқ зўралиб, яра катталашгандек бўлаверди. Дадам: — Манноп табибга бориб кўрсат, у яра-чақага уста, — дедилар ва кўлимга ўн сўмлик пул бердилар.

Маннонов ҳозиргина танишганимиз Манноп табибнинг невараси, ўша инсон, ўша оила муҳитида дунёга келган, тарбия ва камол топган зиёли шахс. У кишининг тийнатидаги шарқшуносликка мойиллик-майл бир шингли тасвирланган оила муҳитининг меvasи, шарофати, десак, хато бўлмас?! Абдурахим Манноновнинг инсоний фазилатлари, шарқшунос олимлик хусусиятлари, раҳбарлик салоҳияти ҳақидаги ҳикоялар алоҳида жилдга жо бўлишга лойиқ. Таниқли шарқшунос олим, профессор Аҳмадхон Қуронбеков сўзлари билан айтганда, "Абдурахим Манноновнинг ёшшиқдан юксак одоби, илмга чанқоқ, олдига қўйган мақсадларига эришишда метин иродали қилиб тарбиялашда отаси Абдумутал Манноновнинг шахсий ўрнаги ва маънавий таъсири кучли бўлган. Абдумутал ака Тошкент шаҳридаги 85-мактабнинг директори сифатида кўп йиллар меҳнат қилган. Юксак зиёли, одамоҳун киши эди..."

қамров манзарасини тўқисроқ тасаввур қилиш учун устоз Абдурахим Манноновнинг қўйидаги таърифи ёрдамга келади: "Ушбу соҳа доирасига кирувчи барча фанлар бир-бири билан алоқадор, узвий боғланган, бири иккинчисини тўлдирадиган фанлар комплексидан иборат бўлиб, Шимолий Африкадан тортиб, Яқин, Урта ва Узоқ Шарқ мамлакатларига кирувчи барча ҳудуд ва давлатларнинг халқлари тили, адабиёти, фольклори, этнографияси, географияси, қадимий ва замонавий тарихи, фалсафий қарашлари, динлари, ички ва ташқи сиёсати, иқтисодиёти, давлат тузилиши, геосиёсий ва геостратегик муносабатлари, ижтимоий тараққиёт босқичлари, моддий ва маданий манбалари каби яна ўнлаб соҳаларни илмий-амалий ўрганишга қаратилган улкан билим дунёсидир".

Замонавий ўзбек шарқшунослик фанига одатда XX асрнинг 20-йилларида, аниқроғи, 1918 йилда Тошкентда Туркистон шарқшунослик институти ташкил топиши билан асос солингани тилга олинади. Бироқ шу ўринда бошқа бир тарихий ҳақиқатни эътироф этмаслик ҳам мумкин эмас. Гал-шундаки, ўлкамизда қадим-қадимдан илм-фан юксак даражада қадрланган. Олий таълим мақомидаги мадрасаларнинг тор

тажрибасини олди, авлоднинг энг ардоқли аъёналарини давом эттирди, янгиликлар билан бойитди, том маънодаги шарқшунос мақомидаги соҳа фидойиси даражасига кўтарилди.

Бўлажак олим талабалик кезлариданок форс-афгон (пушту) тилларига ихлос қўйди. Ихлос қўйибгина қолмай, ушбу тиллар орқали пушту тили адабиёт, маданият, фалсафага қаттиқ берилди. Бу мутлақо ўзгача олам, очилмаган қўриқ эди. Қизиқ-қизиқ илмий изланишлар оламига етаклади. Олий маълумот ёрлигини қўлга олган ёш мутахассисга Москвадаги Шарқшунослик институти аспирантурасига йўлланма берилди. Таъқиқотчилик, олимлик сўмоқлари XVI-XVII аср афгон адабиётидаги сўфий-пантеистик йўналишларни ўрганишдан бошланди. Қисқа муддатда фан номзоди унвонини қўлга киритган олим ўзи таълим олган институтига қайтди.

Авалло, тақдир, қолаверса, хизмат бурчи унга беназир имконият-инюности раво кўрди — бир неча йил мобайнида Афғонистонда юритган таржимонлик фаолияти унинг учун бир умрга татиғулик илм, изланиш, ўрганиш мақтаби вазифасини ўтади. Салмоқли таъқиқот мавзу йўналишлари ўша кезларда туғилди. Афғонистонлик адабиётшунос олим ва мутахассислар билан яқиндан танишув-мулоқотлар, суҳбатлар самараси ўлароқ, у афгон муомтоз даври — равшанийлар даври адабиётидаги махсус ўрганишга аҳд қилди. Афғонистондаги муътабар журналларда пушту тилида дастлабки илмий мақолаларини чоп эттирди.

Абдурахим Маннонов бежиз афгон халқи тарихининг XVI-XVII юз йиллигига мурожаат этмади. Қабिला-қабилла бўлиб умргузаронлик қилаётган, турмуш машаққатлариға "тўйинган" халқ ҳаётида уйғонши, ўзгариш палласи етилди. Адоғи ва микёсини қўз илғамайдиган, узлуқсиз давом этаётган тенгизлик оддий фуқароний сабр қосасини тўлдирди. Норози халқ ҳаракати "равшанийлар" номини олди. Ҳаракатнинг етакчиси ва гоёвий раҳбари қирғи орасида "Пири рўшон" (рўшнолик пири) мартабасини олган, нуфузи гоёйда баланд Боязид Ансорий ибн Абдуллоҳ (1521-1572) эди.

Мамлакатимизда Президентимиз гоё сифатида олға сурган Учинчи Ренессанс орузида яшамоқдамиз, барча оруз-хавасларимиз ушбу улкан мақсад-маслаққа мустаҳкам пойдевор қуришга қаратилган экан, инсон кадр-қимматини ҳар қачонгидан улуглашга ҳаракат қилмоқдамиз. Қайси замонларда ашаб ўтган бўлмасин, миллий ва умумбашарий тафаккур иморати тикланиши йўлида ҳунса қўшган буюк аждодларимиз номини бутунги маънавий бойлигимиз қаторида улугламоқдамиз. Бинобарин, девор-дармиён қўшиммаси афғон халқи ҳам ўтмишда ашаб ўтган ўз улғу зотлари, сиймолари билан тўла равишда фахрланганига ҳақиқидир.

Боязид Ансорий мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтган, илми чуқур, умри-салоҳиятини заҳматкаш халқ фаровонлиги йўлига сафарбар этган, ислот таълимоти софлиги учун курашган, бидъатга қарши маърифат байроғини баланд кўтарган инсон эди. Ўнлаб қимматли асарлари қаторида унинг пушту, форс (дарий), араб ва панжоб тилларида битилган фундаментал "Хайри ул-баён" ("Хайрли хабар") асари равшанийлар таълимотидаги тўлқин, изчил йўриқномаси сифатида давомлашган эди.

Мўйсафид Шарқ қадимдан қомил инсон тимсолини излаганини, қомиллик сари олиб чиқувчи маънавийни пиллаполари авлоддан-авлодга ардоқлаб, сақлаб келинганини биламиз. Боязид Ансорий таълимоти эса саккиз поғонадан ташкил топган. Булар: шарият, тариқат, ҳақиқат, маърифат, қурбат, васлат, ваҳдат, суқунат. Ҳаргивушнинг васлига — ҳақиқатга етишмоқликни Ансорий ҳазратлари суқунат деб атайдил. "Балиқлар қай ҳолатда бўлмасин, — деб ёзади Боязид Ансорий Аллоҳ толо тилидан, — сувдан юз ўгирилмаганларидек, одамлар ҳам бетларини қаёққа бурмасин, менга қараган бўлади".

Жафокаш афгон халқининг бундан беш аср муқаддам ашаб ўтган доғишманд бир авлиёсифат сиймоси бидъатга, жаҳолатга қарши тиш-тирноғи билан курашди, ислоний эътиқод софлиги ва талқини фақат ва фақат илм, илм ва яна муқаррар илм орқали таъминланишини

уқтиришга ҳаётини, билимини, кечмишини бахшида қилди.

Боязид Ансорий номини, унинг афғон халқи тарихида ўчмас из қолдирган




асарини эса атоқли ўзбек шарқшунос олими Абдурахим Маннонов кашф этди, дунёга танитди!

Шу тариқа заҳматкаш олим Абдурахим Маннонов илмий изланишларининг давоми афгон халқи тарихида фақуллода бурилиш нуқтасига айланган равшанийлар адабиёти сарчашмаларини ўрганишга қаратилди. "Равшанийлар адабиёти" истилоҳининг таркибидан инсон, халқ ва жамият ҳаётининг деярли барча муҳимдан-муҳим соҳалари, жабҳалари қамраб олинган.

Равшанийлар таълимоти, унинг гоёвий даргалари шафқатсиз қарама-қаршилиқларга дуч келди. Таълимотлар қарама-қаршилиғига қонли тўқнаш-муҳораба майдонларида ойдиллик қиритишга уринишлар тарих саҳифаларига битилди. Бироқ жонини даққи фикрни, қотиб қолган дунёқарашларни жойидан жилдиритишга бағишлаган зотлар ўзлари илгари сурган гоёларни кенг омма онги-шуурига синдириш йўлиларини топдилар, бунга эришдилар. Ўзбек шарқшунос олими Абдурахим Маннонов кўп йиллик изланишларининг маҳсули бўлмиш "Равшанийлар адабиёти" ("Равшанийская литература") фундаментал маҳоботи, салмоғи билан жаҳон шарқшунослик фанида алоҳида воқеа бўлди. Таниқли шарқшунос олим, профессор М.Имомназаров тўғри таъкидлаганидек, "Равшанийлар адабиёти бўйича бу даражада мукамал асар на Афғонистоннинг ўзида, на Европа шарқшунослигида ҳануз яратилган эмас".

Ватанимиз мустақиллиги арафасида Тошкент давлат шарқшунослик институти ташкил этилди. Журғофий маънодаги шарқий минтақанинг дунёдаги ижтимоий-



сиёсий нуфузи, салмоғи ошгандан-ошиди, изланишлар давом этади. Шарқшунослик фани глобаллашув асри фани бўлиб қолмоқда. Ҳар қандай илм-фан соҳаси, тармоғи ва йўналиши эса ўз фидойилари, юқори малакали жонқуярлари, йўлбошчиларининг саъй-ҳаракати шарофати билангина ривожланади, тараққий топади, юксалади.

— Кел, болам, нима бўлди? Мен шикоятимни айтдим. У "Бери кел-чи", деб мени ўз ёнига ўтқазди, оғзимни очиб қаради-да, бармоғи учини ярамга теккизиб, ҳидлаб кўрди ва: — Бўпти, ўғлим, сенга ҳозир бир дори бераман, уч кунда тузалиб кетасан, — деди.

Табиб ёнидаги кўтини очиб, майдаланган аччиқтошага ўхшаш бир доридан кичкина қоғозга бир-икки отим носови микдорда тўқиди ва ҳўллаган бармоғини кўкун дорига теккизиб ярамга босди, сўнг қолганини ўраб берар экан: "Ҳар кунги икки маҳал мен кўрсатгандай қилиб ярамга босин", деди. Мен дорини олиб, раҳмат айтдим ва пулни узатдим. Табиб пулни олиб, "Пулинг қўл-ку", деди, қўрпачаси тағидан майда пуллар олиб, етти сўм узатди ва "Инсоф сари барака, ўғлим", деб қўйди.


Мен яна бир бор раҳмат айтдиб, ўрнимдан турдим. У: — Қаердан келдинг, яхши бола кўринасан? — сўради.

— Самарқанд дарвозадан. — Э, Жулқунбойлар маҳалласиданми, кимнинг ўғлисан? Мен ўзимни танитдим.

— Ие, ие, Жулқунбой оғайнимнинг ўғлиман дегин, ўзинг ҳам ўхшаш кетасан, ўтир!

Мен қайтиб ўтирдим. — Даданг яхшим, қўлидаги яралар битиб кетдими? — Яхшилар, мени сизга йўлладилар. — Даданенинг яраси асабдан, ўғлим. — У ён-бу ён қараб олган, аста сўради: — Ҳозирча омонлар. — Бирор ерда ишляптими? — Йўқ, доим уйдларар. — Бўлмаса-чи, ўғлим, — деди табиб овозини янада пасллатиб ва атрофга қараб олиб, — ўзинг тушунганидан бола кўринасан, гапимни ҳеч кимга айтма, даданга бориб секин айт, у, албатта, ўзини Тошкентдан четроққа олсин... Тожикистон томонларга бориб, тоғ-тош қишлоқларда соқол-муртини ўстириб, зинак-арава миниб, бир тирикчилик ўтказиб турсин. Бир кун маноёи алғов-далғовлар босилиб, "омон-омон" бўлганда яна қайтиб келар. Бу сўзимни даданга, албатта, айт, жон болам. Буларнинг арқонни узун ташлаб қўйганидан хотиржам ўтиравермасин. Даданени ҳам албатта қамашади. Ҳозир турмалар тўлиб кетган, отанени қамаша ҳам жой йўқ! Ҳозир ана шу табибчиликим учун яқинда ўн бир ой қамалиб чиқдим, ўз кўзим билан кўрдим, билдим...

Ҳаётий реаллик ва илмий тафаккур маҳсули бўлмиш ушбу фан Шарқнинг ўзидек бепоён, бесарҳад. Шарқшунослик фани қачон, қаерда, ким томонидан, қандай сабабларга кўра кашф этилган, деган саволга аниқ-тиниқ жавоб йўқ. Назаримизда, масалани мурраккаблаштиришининг



ҳожати ҳам йўқ, зеро, оддий табиий-мантиқий нуқтаи назардан ёндашилса, Шарқнинг ўзига хос табиати, руҳи-нафаси, маданияти, тафаккур тарзи, таровати олис-олис йиллар, замонлар оша юксак инсоний қадрият даражасига кўтарилди, ана шу ўзига хослик Шарқни дунёнинг бошқа минтақаларидан фарқлантирди, аста-секинликда мазкур тафовут Шарқни бор жозибаси, мўъжизаси, сир-синаотлари билан билиш ва ўрганиш майли-эхтиёжини келтириб чиқарди. Шарқшунослик илми вужудга келди. "Шарқшунослик" — ниҳоятда кўп фанларни қамраб олувчи умумлашма ном. Бу



УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

“ЭЛ НАЗАРИ ТУШГАН ИЛҲОМГОҲ БУЛОҚ”

Президентимизнинг 2022 йил 10 февралдаги “Оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Ўзбек Миллий академик драма театрида шоир таваллудига бағишланган тантанали адабий-бадий кеча ўтказилди.

Театр фойеи байрамона безатилиб, китоблар, хусусан, Усмон Носир асарлари кўргазмаси ташкил қилинди. Кечада таниқли адиблар, илм-фан, маданият, санъат намояндлари, ижодкорлар, талабалар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбир аввалида Кинематография агентлиги томонидан суратга олинган “Усмон Носир” ҳужжатли фильми намойиш қилинди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Сайиддин сўзларига кўра, Усмон Носир шабнам томчисидай тиник, биллур шудринг кўнган гул ғунчасидай нафис, тонг сабосидай ҳамон эсиб турган серсурур ва сершукӯх шеърияти билан ҳозирга қадар қалбларга мусоффолик бахш этиб келаётди.

— Усмон Носир шеърлари лирик кайфият қуввати, ҳиссиётнинг бетақор бадий ифодаси билан ажралиб туради, — деди филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Карим. — “Киприги куксига соя солган қиз” — бу каби муболағалар шоир маҳоратидан дарак беради. Севинчдан қанот ясаб учиб ҳам, баланд омон тубида ёшлигини кўриш ҳам унга хос. Шоирнинг тўлқинли юрагида шодлик гумбурлаб акс-садо



беради. Қушларга назар солган шоир уларнинг митти “мунчок кўзлари” нинг қарочигача илғайди. Усмон Носир қалби, сезими нафосатга тўла. Шоир юрагининг шакли, “дарди — нақши” шерь эди. Пушкин, Гейне, Лермонтов каби дунё шоирлари хузурига боришда ҳам шерь унга кўприк эди.

Еш ижодкорлар — Алишер Сабрий, Анвар Ботир ва Эркин Ҳожимухаммад “Унутмас мени боғим” шерьий композициясини ижро этганда кўплаб иштирокчилар улар билан бирга оташна-фас шоир мисраларини ёддан ўқиди.

Халқаро танловлар совриндори Умид Исроилов ҳамда хор жамоаси “Юрак” ариясини томошабинлар ҳукмига ҳавола этди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Бехзод Муҳаммадкаримов ҳамда шоир, таржимон Николай Ильин Усмон Носирнинг “Денгизга” шерьини ўзбек ва рус тилларида ўқиган чоғларида шоирнинг сарқаш ва озод руҳи кезиб юргандек бўлди.

Ўзбек Миллий академик драма театри ижодий жамоаси томонидан Нодира Рашидованинг пьесаси асосида режиссёр Марат Азимов сахналаштирган “Усмон Носир” спектакли намойиш этилганда барча иштирокчилар санъаткорларни давомли қарсак ва юксак эҳтиром билан олқишлади.


Наманган вилоят ҳокимлигининг амалий кўмаги билан шоирнинг жияни — Нодира Рашидованинг “Усмон Носир” романи икки жилдлик китоб ҳолида нашрдан чиқди. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, факрий журналист Раҳимжон Ирисовнинг “Ўзбекининг Лермонтови”, “Шеърият дуйдасида қотган ёш” китоблари дунё юзини кўрди.

“Ҳужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси” ДУК ижодий гуруҳи томонидан Фаррух Жабборов адабий сценарийси асосида “Усмон Носир: ўлим гоҳо зафар келтирар” (режиссёр Умид Ҳамдамов) бадий-публицистик фильми суратга олинди. Шунингдек, Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат музыкали драма театрида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи Жавлон Жовлиевнинг “Усмон Носир” пьесаси асосида спектакль премьераси бўлиб ўтди.

Наманган вилояти марказидаги эски гузарлардан бирига Усмон Носир номи берилди. Шоирнинг онаси — Холамби билан яшаган хонадон аниқланиб, у ердаги қаровсиз бино таъмирланди, Усмон Носир музейи ва ёшлар кутубхонаси ташкил этилди. Ушбу кутубхона шоир ҳаёти ва ижодига оид экспонатлар ҳамда 2000 дан зиёд бадий адабиёт билан таъминланди. Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги кўчалардан бири ҳам Усмон Носир номи билан аталди.

2022 йил 12 ноябрь куни Наманган давлат университетиде “Замонавий ўзбек адабиёти ривожига Усмон Носир ижодий меросининг ўрни ва аҳамияти” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди.

УСМОН НОСИР ТАВАЛЛУДИНИНГ 110 ЙИЛЛИГИГА



Сирожиддин САЙИД, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси

Яқун топиб бораётган йилимизда бизни қувонтирадиган адабий байрамларимиз жуда кўп бўлди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг “Оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори адабий-ижтимоий ҳаётимизда том маънода катта тарихий воқеа бўлди.

Президентимиз бу қарорда алоҳида таъкидлаганидек, “Ўзининг бетақор истеъдоди, юксак матонати ва халқларварлиги билан ўзбек адабиётида ўчмас из қолдирган, мустабид тузум даврида сиёсий қатагон қурбони бўлган оташин шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир халқимизнинг машҳур фарзандларидан биридир. Унинг эзгу инсоний фазилатлар, Ватанга муҳаббат ва садоқат, келажакка юксак ишонч туйғуси билан йўғрилган етук бадий асарларининг халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлод тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти беқиёс”.

“Тарихий қарор ижросини таъминлаш юзасидан қисқа муддат ичида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан шоирнинг “Танланган асарлар”и ҳамда “Усмон Носир замондошлари хотирасида” китоби нашр этилди. “Туркий адабиёт дурдоналари” 100 жилдик асарлар мажмуасида Усмон Носир асарлари алоҳида жилди ҳамда академик Наим Каримовнинг “Усмон Носир” маърифий романи чоп этилди.



Муҳтасар ТОЖИМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

“БУТУН УМРИМ СЕНИНГ БЎЙНИНГДА...”

Юнусобод туманидаги кўчалардан бирига Усмон Носир номи берилди.

Ўзбекистоннинг Россия Федерацияси Новосибирск шаҳридаги бош консулхонаси томонидан Кемерово вилояти раҳбарияти билан учрашувлар ўтказилиб, Кемерово шаҳри (Кузбасс) марказий хиёбонига шоир ҳайкалини ўрнатиш масаласи кўриб чиқилди. Ўзбекистоннинг Россия Федерацияси Новосибирск шаҳридаги бош консулхонаси томонидан Кемерово вилояти раҳбарияти билан учрашувлар ўтказилиб, Кемерово шаҳри (Кузбасс) марказий хиёбонига шоир ҳайкалини ўрнатиш масаласи кўриб чиқилди. Ўзбекистоннинг Россия Федерацияси Новосибирск шаҳридаги бош консулхонаси томонидан Кемерово вилояти раҳбарияти билан учрашувлар ўтказилиб, Кемерово шаҳри (Кузбасс) марказий хиёбонига шоир ҳайкалини ўрнатиш масаласи кўриб чиқилди.

Консулхонамиз ташаббуси билан Кемерово маданият марказлари, кутубхоналари, олий ўқув юртурларида ҳамда Новосибирск вилояти Ординский туманида “Халқлар дўстлиги” халқаро фестивали доирасида Усмон Носир хотирасига ҳамда ўзбек адабиёти ва маданияти тарғиботига бағишланган тадбирлар ўтказилди. Тадбирларда “Ватандошлар” жамоат фонди вакиллари фаол иштирок этди.

... Усмон Носир чақмоқдай чақнаган умри билан бутун борлиқни мунаввар этиб кетган чинакам шоирдир. Одатда, тамсил келтирилганда, шоирнинг “Баргдай узилиб кетсам, унутмас мени боғим”, деган сатри кўп эсланади. Лекин минг надоматлар бўлсинки, у қалти ва қаттол замонларда бизнинг боғимиздан узилиб кетган барглариимиз ҳазон япроқларидек ниҳоятда кўп эди... Усмон Носир шабнам томчисидай тиник, шабнам кўнган гул ғунчасидай нафис, тонг сабосидай ҳамон эсиб турган серсурур ва сершукӯх шеърияти билан ҳозирга қадар қалбларга мусоффолик бахш этмоқда.

Шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм суратга олинди, драматик асарлар сахнага қўйилди.



Наманган шаҳрининг Хуррият кўчасида, Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи атрофида Усмон Носир хиёбони бунёд қилинди. Шоирнинг ҳайкали ўрнатилди. Усмон Носир музейи ва ёшлар кутубхонаси ташкил этилди. Тошкент шаҳри

“Ўз зиммамга катта иш олдим”, дея ўзига-ўзи улғувор мақсад, оламшумул вазифа қўйган шоир шеърияти мумтоз назимимиз наволаридан наво олган, ҳақон шеърияти ҳаволаридан ҳаво олган мулқ янги адабий ҳодисадир. “Шеърим, яна ўзинг яхшисан” сатри билан бошлангучи сонетида ғарбона шеърый жанрга нозик шарқона дид ва шеърый санъат билан жозиб жиллолар бахш этган. Бу худди ғарб гўзалининг сарв қоматига Маргилон атласидан қабо кийгизган янглиғ ўқувчини ўз хусну жамолига мафтун этади:

Юрагимнинг дарди — нақшисан,
Қилопмайман сени ҳеч қанда!
Ўт бўлурми ишқи йўқ танда?
Дардимсанки, шеърим, яхшисан.

Сен орада кўприк бўлдинг-да,
Гейне билан ўртоқ тутиндим.
Лермонтовдан кўмак ўтиндим.

Бутун умрим сенинг бўйинида.
Саҳарда қон тупурсам, майли,
Мен — Мажнунман, шеърим,
сен — Лайли!

Дарҳақиқат, Усмон Носир Ғарб ва Шарқ шеърияти даҳолари ижодига сидқидилдан меҳр қўйган, ҳаммиша сўз санъатининг олтин ёмбиларини излаган ва янгиликка интиланган. Бу куйидаги сатрларда янада яққолроқ намоён бўлади:

Сени яхши биламан, гўзал,
Петраркани ўқиганим бор.
Буюк Римнинг Сапфоси азал
Хаёлимни ошиқдай торлар.

Агар сонет санъати пири комили ҳазрат Петрарка тирик бўлганида шоиримизни дуо қилиб, “Барақалла, Усмонжон!” дея, албатта, алқабган бўлар эди.

Шу боис, Президентимиз қарорида Усмон Носирнинг юксак маҳорати таржимон сифатида ҳам алоҳида эътироф этилган. Александр Пушкиннинг “Боғчасарой фонтани”, Михаил Лермонтовнинг “Демон” асарлари соф ўзбекона таржима санъатининг асл намуналаридир.

Усмон Носир ҳаёти ва шеърияти ҳақида гапирганимизда, беихтиёр устоз Абдулла Ориповнинг куйидаги изтиробли сўзлари эсимизга тушади:

“Усмон Носир... шундай истеъдод эгасики, бамисоли теккан жойини куйдиргучи оловдир. Шоирнинг ғоят қисқа умрига назар солган киши жуда узоқ ўйларга толиши шубҳасиздир. Чунки бу чақмоқдек умрда бениҳоя катта имкониятлар ёниб кетганини кўриб ва ҳис қилиб турасиз. Усмон Носир улғув ва бадий шеъриятнинг дийдасидан томиб улғурмаган шабнамдир, у ҳали қаҳқаҳага айланмай лабларимизда мангуға қотиб қолган ним табассумдир. Унинг шеърлари кўз каби тирик, жонли, тутқич бермас ҳаёт пораларидир.

Боғларга намозгар салқини тушиди,
Гуллар нам баргини қайириб аста.
Офтоб ҳам сув ичар тоғлардан настда,
Лоладек қил-қизил ўт — шафқат ўчди.”

Мустабид тузум халқ ва миллат фарзандлари бошига солган оғир мусибатларни эслар экан, яна бир кумридил шоиримиз Муҳаммад Юсуф шундай аламли ва армонли сатрларни битади:

Алҳазар, алҳазар, мине бор алҳазар,
Ана, юришибди кийганлари зар.
Қодирийни сотиб шоир бўлганлар,
Меҳробиндан чиққан чавенларинг бор.

...Кўлинг қадоғига босай юзимни,
Онамсан-ку, оғир олма сўзимни,
Қайинларга айтиб “Қаро кўзим”ни,
Сибирларда қолган Усмонларинг бор.

Давлатимиз раҳбарининг қарори Усмон Носир ҳаёти ва ибратли ижодини янада кенроқ ва теранроқ ўрганиш ҳамда тарғиб этиш учун имконият ва шарт-шароитлар эшигини кенг очиб берди. Оташин шоир ўз шеъри ва ижоди зиммасига катта масъулият юклар экан, бундай шеърый иқдор билан ўз эътиқодини ихор этди: “Бутун умрим сенинг бўйинида...”

Ҳақиқатан, шоир хотираси, унинг номи, ёди олдида барчамиз бирдек масъул ва қарздормиз. Бу муъжизавий шеъриятни навқирон авлод қалбига жо айлаш ҳар биримизнинг бўйинимизда, яъни зиммамиздаги муқаддас бурчимиздир.

Не тонг эди,
Изгиринлар захрини тотдинг,
Дастурхонда музтар қолди
қанду наботинг.
Шаҳидларнинг номларидир
хар бир работинг,
Абадий ёд эрур асли
Адабиётинг,
Чўлпон, Фитрат, Қодирий
ҳам Усмоним Ватан!..

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятта келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида сақланади.
Газетанинг полиграфик жihatдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1264.
80849 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй